

**Гавҳар Хидирова**  
Бухоро давлат университети

## ТУРИЗМ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ: ЯПОНИЯ ТУРИЗМИНИНГ ЙЎЛ ХАРИТАСИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада Япония туризм сиёсатининг устувор масалалари ва уларни ечишга қаратилган туризимнинг йўл харитаси йўналишлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари Япония туризм соҳасининг мамлакат иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларига таъсири, туризм ривожланиши ҳамда туризм мақсадларига тўсиқ бўладиган омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари жараёнига алоҳида эътибор қаратилган.

Мақоланинг таҳлилий қисмида Япония туризм органларининг ташкилий тузилиши, туризмга йўналтириладиган бюджет харажатлари, ички, кирувчи ва чиқувчи туризм, Япония туризм саноати ва бошқарув органларининг ташкилий тузилиши, туризм истеъмоли, туризм соҳасидаги корхоналар ва иш билан таъминлаш даражаси, туризм йўл харитаси устувор ташабbusларининг ижобий жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** туризм, ички, кирувчи ва чиқувчи туризм, туризм харжатлари, давлат-хусусий шериклик

*Gavhar Khidirova  
Bukhara State University*

## TOURISM POLICY ISSUES: JAPAN TOURISM ROAD MAP

**Abstract.** This article examines the priorities of Japan’s tourism policy and the state of the roadmap for tourism to address them. In addition, special attention is paid to the impact of the Japanese tourism industry on the country’s socio-economic indicators, the development of tourism and the process of measures to eliminate obstacles to tourism goals.

The analytical part of the article describes the organizational structure of Japanese tourism authorities, tourism expenditures, domestic, inbound and outbound tourism, budgeted tourism expenditures, tourism consumption, tourism enterprises and employment, the positive aspects of tourism road map priority initiatives.

**Keywords:** tourism, economic engine, domestic, inbound and outbound tourism, tourism costs, public-private partnership

### Кириш

Япониянинг туризм соҳаси мамлакат учун асосий иқтисодий двигател ва ҳар йили миллионлаб сайёҳлар япон халқининг тарихи, бугуни, маданияти, урф-одатлари, миллий таомларидан баҳраманд бўлиш учун диққатга сазовор жойларига ташриф буоради. Япония туризмга алоҳида этибор қаратади сабаби мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққий топишида мамлакатдаги ишсизлик, монетар сиёsat, ахоли турмуш даражаси, камбағалликни қисқартириш бўйича давлат олдига қўйган функционал вазифаларни айнан шу соҳа орқали маълум доирада ечим топишга ҳаракат эришади. McKinsey Глобал Институтининг 2015 йил март ойида "Япониянинг келажаги: ҳосилдорлик ва ўсишнинг ҳукмронлиги" деб номланган ҳисоботида, Япония иқтисодиётida ҳосилдорликни ошириш йўналишлари ва бу орқали ЯИМ ўсишини икки бараварга яъни 3 фоизгача ошириш имконияти қандай эканлиги тасвиранган. Ушбу ҳисбот иқтисодий ўсиш учун туризмни ривожлантириш, туризм олдига

кўйилган мақсадларни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этишга қаратилган бир нечта ташаббусларнинг муаммолари ва потенциал таъсирини ўрганиб чиқади. McKinsey институти Японияда ўзининг ваколатхонасига эга бўлиб, у глобал саёҳат, транспорт ва логистика буйича Япония билан ўзаро ҳамкорликларни йўлга қўйган ва бу борада ўзининг илмий асосланган тавсияларини бериб боради.

Хусусан, McKinsey институтиning кўрсатмали асосида Японияда туризм 2017 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 2,0 фоизини ва туризмда иш билан банд бўлганлар жами ишчиларнинг 9,6 фоизини ёки 6,5 миллион ходимни ташкил этди. Сўнгги йилларда Японияга сайёҳликнинг ўсиши жуда муҳим бўлиб, халқаро ташрифлар 2017 йилда 28,7 миллион бўлса, 2018 йилда 31,2 миллионга кўтарилиб, 8,7 фоизга ўсида ва кетма-кет олтинчи йилда рекорд кўрсаткич бўлди. 2016-2018 йилларда халқаро сайёҳлардан келадиган даромад 18 фоизга ўсиб, 3,8 триллион иенадан 4,5 триллион иенага етди. [1]. Такқослаш учун, мамлакатда 2011 йилда халқаро ташрифлар сони 6,2 миллион кишини ташкил қилган ва бу ташриф буюрувчилар сонининг беш баравар қўпайиши Японияни OECD мамлакатларидағи энг тез ривожланаётган туристик иқтисодиётга эга давлатлардан бирига айлантириди ва ушбу кўрсаткичлар танланган туризм бозорларига ташрифларда энг катта кирувчи 20 та туризм бозорнинг 19тасида юқори кўрсаткичлар қайд этилган[2].

## **АДАБИЁТЛАР ШАРХИ**

Жаҳон тажрибаси ва турли илмий тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан ҳамда имкониятларидан самарали фойдаланиш мамлакатда иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Ушбу масалалар борасида бир қанча маҳаллий олимларимиз томонидан илмий изланишлар олиб борилган, хусусан Япония туризмини режалаштириш жараённида минтақалар ва аҳоли яшаш жойларида инвестиция лойиҳалари бевосита амалга оширилади. Бунда ҳар бир минтақани мавжуд табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш орқали комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади (И.С.Тўхлиев, 2010)[3].

Мамлакатда туризм тизими тараққиётининг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб турган омиллардан бири туристик хизматлар бозори, яъни миллий туризм бозорининг талаб даражасида эмаслиги бўлиб, бу ўз навбатида туризм индустрясини катта туристик ресурсларга эга бўлган минтақаларда ривожлантириш имкониятини чегаралайди (Ф.К. Камилова, 2007)[4].

Туризм объектларига инвестицияларни жалб қилишнинг ҳақиқий механизми яхши ривожланмаган, ресурслардан, шу жумладан ишчи кучидан фойдаланишнинг эскирган усуллари сақланиб қолмоқда. Туризм бизнесида маркетинг тадқиқотларининг аниқ тизими ҳали шаклланмаган, туризм маркетингининг кўплаб назарий ва амалий масалалари ривожланмаган бўлиб

қолмоқда, реклама фаолиятини ташкил қилишда ҳам камчиликлар мавжуд (О.Х. Хамидов, 2016)[5].

Халқаро туризм бозорида Япониянинг ўрни, Ўзбекистоннинг туризм бозорида корхоналар учун ўзига хос стратегияни танлаш, туристлик мамлакатлар иқтисодиётида Япония тажрибаси муҳим саналади. Туристик инфратузилмада муваффақият қозониш учун давлат-хусусий шериклик энг яхши амалиётга асосланган илғор тажрибалар асосида шакллантирилган бўлиши керак (М.Т. Алиева, 2005)[6],

Туризм соҳасига йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини янада кўпайтириш, инвестицион фаолликни таъминлаш учун давлат томонидан "режалаштириш, бажариш, текшириш, созлаш" цикли Япония туризмини бошқариш стратегиясининг асосини ташкил қиласди (F.X. Құдратов, 2004)[7].

Бундан ташқари, пандемиядан кейин Япония минтақаларида туризмни комплекс ривожлантиришда бир қатор тизимли муаммолар таҳлили, туризм хизматларини рақамлаштириш масалалари (Шимизу К, Девоид И. 2020)[8], Япония туризмида баланснинг бузилиши иқтисодиётдаги салбий ўзгаришлар, сиёсий шароитлар ёки мамлакатларнинг ижтимоий ўзгаришидан келиб чиқади, бу эса ўз навбатида кирувчи туризм сонига тўғридан-тўғри салбий таъсири кўрсатиши мумкин (Нелсон Г, Юко Ш. 2020)[9].

Гарчи ташрифларнинг мавсумий тақсимоти ўз ўрнини тўлдирган бўлсада, туризмни ташкил этиш мақсади билан туристик ресурслар ва инфратузилмани яхшироқ тарғиб қилиш ҳамда бошқариш, туризмнинг асосий бозор манбаларига эътибор қаратиш, туризм тармоқларини диверсификация қилиш, ташқи макроиқтисодий омиллар, масалан, нисбатан заиф иена барқарорлигини ошириш ва шу билан ташқи салбий кучларга нисбатан заифлигини камайтириш мумкин (Дошита М., Грабурн Н. 2019)[10].

Иқтисодий омиллардан ташқари, туризмнинг бош манбаси бўлган мамлакатларда ва халқаро миқёсида сиёсий кўрсатмаларни ўсишини рағбатлантириш жуда муҳимдир. Шу билан бирга, БМТ сайёҳлик органининг умумий йўриқномасига биноан енгиллаштирилган виза қоидалари Осиё жамоатчилигининг Японияга ташриф буюришларига имкон яратди ҳамда тез ва содда тарзда ташриф буюрувчилар сони кескин ошди (Н. Грабурн, Й. Шиожи, 2019)[11] каби бир қатор хорижий олимларнинг фикр мулоҳазалари ўрганилди.

## **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ушбу тадқиқотда қўлланилган методология Япония туризм сиёсатининг устувор масалалари ва уларни ечишга қаратилган туризмнинг йўл харитаси, Япония туризм соҳасининг мамлакат иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларига таъсири, тўсиқлар ва имкониятлар таҳлили ўрганилиб, таҳлил, синтез, абстракт-мантиқий ва танқидий фикрлаш, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

## **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Япония туризм соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, туристик корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат, хусусий фондлар, худудий молия институтлари тенг шерилик асосида амалий ишларни амалга оширади. Кичик ва ўрта туристик корхоналарга ноёб сайёхлик йўналишларни ишлаб чиқища ва туристларни жалб қилишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятларини молиялаштиришга, инқироз ёқасига келиб қолган корхоналарга бизнесни тиклашга ёки тезлик билан бошқа турдаги бизнесга алмаштиришга молиявий томондан ёрдам беради. Кичик ва ўрта бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Япония туризм агентлиги ер, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлигининг ташқи органи сифатида ташкил этилган бўлиб, Япония туризимини тарғиб қилиш билан боғлиқ масалаларда ҳукумат вакили бўлган сайёхлик сиёсати ва унинг мувофиқлаштирилишида етакчи рол ўйнайди. Агентлик Visit Japan сайёхлиги ва бошқа маркетинг тадбирларини бажаришга масъул ташкилот саналади.

Онлайн сайёхлик агентлари ва турар жой платформалари каби рақамли бизнеслар сайёхлик маҳсулотларини ва хизматларини харидорлар билан реал вақт режимида боғлаб, шунингдек туризмнинг кичик ва ўрта корхоналар учун бозор кўринишини сезиларли даражада ошириб, туризмни қайта оёқقا туришига хизмат қиласди. Натижада, кўплаб сайёхлик кичик ва ўрта корхоналар истеъмолчиларнинг сифат ва самарадорликка бўлган талаблари (масалан, иложи борича енг паст нархда имкон қадар енг яхши хизмат) ни қондириб келмоқда. Маҳаллий ҳокимиятнинг роли маҳаллий йўналишларнинг жозибадорлигини яхшилашдан иборат. Миллий ҳукумат статистика маълумотларини тақдим этиш, минтақавий ҳамкорликни бошлаш ва минтақавий ривожланишни қўллаб-қувватлаш орқали минтақавий ташабbusларни кучайтиришга ёрдам беради.



**1-расм. Япония туризм саноати ва бошқарув органларининг ташкилий тузилиши<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Source: OECD, adapted from the Ministry of Land, Infrastructure, Transport and Tourism, 2020

Япония туризм агентлигининг 2019 йилдаги бюджети 71,1 миллиард иенни ташкил этди. 2019 йил январ ойида 18 ойлик режалаштириш ва маслаҳатлашув давридан сўнг янги халқаро сайёҳлик солиги натижасида 48,5 миллиард иена ҳиссасини қўшганлиги сабабли, бюджет 2017 йилги бюджетдан 25,6 миллиард иенадан 2,8 баравар кўпdir [12].

Японияда туризмни молиялаштиришда давлат бюджетидан қуйидагича харажатлар тақсимланади: 27,9 миллиард иена - саёҳатчилар учун стрессиз ва қулай муҳитни яратишга, шу жумладан чегара тартибини яхшилаш ва юқори сифатли жамоат транспортига, 14,9 миллиард иена - Японияда саёҳат қилиш ва сайёҳлик ва бошқа тегишли соҳаларни кучайтиришни таъкидлайдиган маълумотларни тарғиб қилиш учун, маҳаллий маданий ва табиий сайёҳлик ресурсларини сақлаб қолиш орқали минтақаларда ташриф буорувчиларнинг тажрибали қабул қилиш ва кутиб олиш сифатини яхшилаш учун 22,4 млрд иена, Тоҳоку минтақасини тиклашга ёрдам бериш учун 4,5 миллиард иена ажратилади.

### 1-жадвал

#### 2017 йил Япония туризми истеъмоли кўрсаткичлари, млн. иена<sup>2</sup>

	Ички туризм харажатлари	Кирувчи туризм харажатлари	Ички туризмни истеъмол қилиш
Истеъмол маҳсулотлари	22 519 868	4 146 454	27 117 447
Туризмга хос маҳсулотлар	13 855 753	2 705 868	17 012 746
Ташриф буорувчилар учун турар жой хизматлари	3 714 472	1 076 939	5 242 536
Озиқ-овқат ва ичимликлар хизматлари	2 748 162	766 037	3 514 198
Йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар	5 677 561	131 293	6 382 513
Ҳаво йўловчилар транспорти хизматлари	2 145 451	34 545	2 490 900
Темир йўл йўловчилар транспорти хизмати	2 829 756	29 195	3 121 706
Автомобил йўловчилар транспорти хизматлари	590 561	60 715	651 276
Сув йўловчилар транспорти хизматлари	111 793	6 838	118 631
Транспорт ускуналарини изярага бериш бўйича хизматлар	301 844	43 027	344 871
Сайёҳлик агентликлари хизматлари	449 165	22 462	471 627
Маданий хизматлар	327 185	35 371	362 556
Спорт ва дам олиш хизматлари	637 363	57 081	694 444
Бошқа истеъмол маҳсулотлари	8 664 115	1 440 586	10 104 700
Туризмга боғлиқ маҳсулотлар	8 092 770	1 418 344	9 511 114
Туризмга тегишли бўлмаган истеъмол маҳсулотлари	571 345	22 242	593 587

2011 йилдан 2015 йилгача Япониянинг туризими дунёдаги энг тезкор кўрсаткичлар қаторида йилига 33 фоизга ўсди. Ушбу ўсишга асосан ташқи омиллар (япон иенасининг қадри ошиши ва Хитойнинг иқтисодий ўсиши) ҳамда сиёсатнинг бир пайтдаги ўзгаришлари (авиакомпанияларни тартибга солиш ва Хитой, Малайзия ва Таиланддан келган сайёҳлар учун визаларнинг енгиллашиши) таъсир кўрсатди.<sup>3</sup>

Япониянинг туризм соҳасини ривожлантиришнинг самараси жуда катта: 2015 йилда халқаро сайёҳлар Япония иқтисодиётига 3,5 триллион иена (таксминан 35 миллиард АҚШ доллари) миқдорида маблағ қўшдилар. Япония

<sup>2</sup> <http://oe.cd/disclaimer>

<sup>3</sup> Survey on the behavior of inbound tourists, Japan Tourism Agency, 2015, [mlit.go.jp](http://mlit.go.jp).

<sup>6</sup>[Number of arrivals by nationality], Japan National Tourism Organization Statistics, 2011–2015, [jnto.go.jp](http://jnto.go.jp).

раҳбарлари, кирувчи туризмининг қудратли иқтисодийдвигател бўлиши мумкинлигини тушуниб, 2015 йилда ташриф буюрган 19,7 миллион кишидан 2021 йилда 40 миллионгача бўлган йиллик туризмни икки бараварга ошириш стратегиясини ишлаб чиқдилар<sup>4</sup>.

Ҳукумат, шунингдек, сайёҳликни кам аҳоли яшайдиган минтақаларни тиклаш учун катализатор сифатида жалб қилиш учун метрополитен бўлмаган худудларда йиллик ташриф буюрадиган кунларни деярли уч баравар оширишга интилмоқда.

## **2-жадвал**

### **Японияда туризм ва шу соҳа билан бевосита боғлиқ соҳасида фаолият юритаётган корхоналарнинг тармоқлар кесимида иш билан таъминлаш даражаси таҳлили<sup>5</sup>**

	<b>Иш билан банд бўлганлар сони</b>				
	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Туризм соҳалари	842 359	6 431 130	6 346 990	6 440 900	6 483 850
Меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш муассасалар	52 387	623 250	581 020	579 830	610 560
Озиқ-овқат ва ичимликлар хизмат қилувчи саноат	619 711	3 443 750	3 464 980	3 521 170	3 505 440
Йўловчи ташиш	36 811	1 045 760	975 980	966 490	973 690
Хаво йўловчилар транспорти	897	46 980	46 910	47 050	46 780
Йўловчилар ташиш темир йўллари	5 054	305 890	260 600	284 250	272 040
Автомобил йўловчи транспорти	25 204	622 430	598 100	564 610	584 710
Сув йўловчилар транспорти	5 656	70 460	70 370	70 580	70 160
Йўловчи транспортини кўллаб-қувватлаш хизматлари	71 424	598 950	633 290	646 940	654 870
Спорт ва дам олиш саноати	62 026	719 420	691 720	726 470	739 290
Бошқа тармоқлар	4 847 007	59 502 870	59 873 010	60 411 100	61 017 150

Ташқи бозорлардан ташриф буюрувчиларни жалб қилиш - бу юзлаб (ҳатто минглаб) манфаатдор томонларни ўз ичига олган мураккаб иш. Ушбу вазифа жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, буни битта ташкилот бажариши ва самарали бошқаришни ташкил қилиш қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун Япониянинг туризм ташаббусини бошқариш учун давлат-хусусий шериклик (public-private partnership) ташкил қилинишни йўлга кўйган. Пандемиядан кейин келадиган туризмни йиллик 40 миллионга етказишда муваффақият қозониш учун давлат-хусусий шериклик энг яхши амалиётга асосланган илғор тажрибалар асосида шакллантирилган бўлиши кераклигини таъкидлайди. Шу жумладан, аниқ етакчилик, мувофиқлаштиришнинг сезиларли даражаси ошириш, "режалаштириш, бажариш, текшириш, созлаш" циклини тарғиб қилиш, мақсадли тадбирларни амалга ошириш, периферик саноатни жалб қилиш ва илғор технологиялар

<sup>7</sup>Source: OECD Tourism Statistics (Database). StatLink <http://dx.doi.org/10.1787/888934077217>

қўллаш. Юқоридаги шаклланганидан сўнг, давлат-хусусий шериклик бешта асосий восита атрофида қурилган йўл харитасини бажариши керак:



## 2-расм. Япония туризмининг йўл харитаси<sup>6</sup>

Япония туризм соҳасида ҳосилдорликни оширувчи технологиялар (масалан, булутли ҳисоблаш, маълумотларни таҳлил қилиш, даромадларни бошқариш бўйича дастурий таъминот) инновацион технологиялар (масалан, кенгайтирилган ҳақиқат, географик белгилар, мобил иловалар) янги меҳмонлар учун янги маҳсулотларни ишлаб чиқаради, мослаштиради ва етказиб беради. Ушбу рақамли технологиялардан ҳар хил ҳажмдаги туризм бизнесида қўллаш туризм қиймат занжирларининг янада самарадорлигини оширишга қолаверса, Япониянинг туризм сиёсатини халқаро стандартларга олиб чиқиш учун муҳим таъсир кўрсатади. Шунинг учун туризмда рақамлаштиришга қўмаклашиш ва уни таъминлаш туризм йўл харитасининг асосий вазифаси қилиб белгаланади.

Бундан ташқари қоғозга асосланган маркетинг ва реклама

<sup>6</sup>Tourism vision realization program 2016, Жаран Tourism Agency, May 2016, mlit.go.jp.

материаларини рақамли форматга алмаштириш, ташриф буюрвчиларнинг ташриф буюрган жойидаги фойдаланувчиларга реал вақт режимида мураккаб жамоат транспорти тизимлари бўйича қўрсатма берадиган саёҳат ёрдамчиларини ўз ичига олган тизимни яратиш туризм саноати учун маълумотларни таҳлил қилиш, мижозларнинг хоҳиши-истакларини турли каналлар орқали сотиб олиш хатти-ҳаракатларини катта эҳтимоллик билан аниқ башорат қилиши мумкин. Шунингдек, Big Date дан фойдаланган ҳолда корхоналарнинг имкониятлари янги бизнес моделлари ва самарадорлик қўрсаткичларини таҳлил қилишга, прогноз қўрсаткичларини аниқ бажарилишига, мижозлар тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиб ва узок вақт мобайнида сақлашга, маълумотлар махфийлигига, корхона даромадларни бошқариш ва динамик нархларни яратишга эришади.

### **Хулоса ва таклифлар**

**Биринчидан.** Япониянинг туризм ташаббусини бошқариш учун Япония туризм фаолияти ва келажаги асосан аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини доимий ошиб бориши билан белгиланади.

**Иккинчидан.** Ўрта синфни шаклланиши ва кенгайиши туризм хизматларига бўлган асосий талабни келтириб чиқаради.

**Учинчидан.** Туристик инфратузилмаси объектларини (транспорт ва меҳмонхона хизматлари, логистика марказлари, замонавий ахборот технологиялари ва бошқалар) барқарор ривожланишини таъминлаш ҳал қилувчи омил саналади.

**Тўртинчидан.** Туризм соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш энг муҳим ва ҳал қилувчи омил бўлиб қолмоқда;

Юқоридаги фикр ва хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни Ўзбекистон туризм соҳасига қўлласак мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- туристик инфратузилмада муваффақият қозониш учун давлат-хусусий шериклик энг яхши амалиётга асосланган илғор тажрибалар аниқ стратегик етакчилик, мувофиқлаштиришнинг сезиларли даражаси ошириш, "режалаштириш, бажариш, текшириш, созлаш" циклини тарғиб қилиш, мақсадли ва манзилли тадбирларни амалга ошириш, ҳарбир жараённи мониторинг қилиш ва илғор рақамли технологиялар қўллаш асосида шакллантирилган бўлиши керак.

- туризм соҳасига йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини янада кўпайтириш, инвестицион фаолликни таъминлаш учун давлат томонидан қулай шароит яратиш, туризм бизнесини қўллаб-қувватловчи молия институтлари, фондлар, худудий корпорацияларни ташкил этиш лозим;

- сайёҳларни истаган мамлакатга боришлиари учун ўрнатилган тартиб қоидаларни оддий ва қулай бўлишига эътибор қаратмоқ лозим;

- Япония туризмининг йўл харитасидан Ўзбекистон туризм соҳасида шарт-шароитимизга мослаштирган ҳолда фойдаланиб туризмни халқаро замонавий меъёрлар ва стандартлар даражасига кўтариш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. OECD, adapted from the Ministry of Land, Infrastructure, Transport and Tourism, 2020
2. Updates on the action program to become tourism-oriented countries], Japan Tourism Agency, September 2015 [mlit.go.jp](http://mlit.go.jp).
3. Тўхлиев И.С. ва бошқалар. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: «Иқтисод-молия» нашриёти, 2010. – 238 б. 9
4. Камилова Ф.К. Халқаро туризм бозори. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 192 б. 8
5. Хамидов О.Х. Выбор конкретной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана. Диссертация на получение степени кандидата экономических наук. – С.: СамИСИ, 2016. – 155 с.
6. Алиева М.Т., Умаржонов А. Туристлик мамлакатлар иқтисодиёти.-Т.: Молия 2005, -339 бет.
7. Құдратов F.X., Тухлиев И.С. «Туризм иқтисодиёти». СамИСИ., С.: 2007 й.
8. Shimizu K, Devoid I. The 2020 Olympics and Paralympic Games and COVID-19. BMJ Opinion, 7 May 2020. <https://blogs.bmjjournals.com/bmjjgh/2020/05/07/the-2020-olympics-and-paralympic-games-covid-19/>
9. Nelson Graburn, Yuko Sh. Shuzo Ishimori: a pioneer of tourism studies in Japan//An International Journal of Tourism and Hospitality Research//Volume 31, 2020 - Issue 1 p. 12
- 10.Doshita M., Graburn N. (2019). Shinji Yamashita: A leader of tourism studies in Japan // An International Journal of Tourism and Hospitality Research, Volume 30 (4), p. 1–8.
- 11.N. Graburn, Y. Shioji Graburn, N., (2019). Contents tourism: Japanese and international fandom. // Journal of Tourism and Cultural Change, Fall, Volume 18(1), p.1–11.
- 12.Survey on the behavior of inbound tourists], Japan Tourism Agency, 2015, [mlit.go.jp](http://mlit.go.jp).
- 13."Non-metropolitan areas" includes all regions of Japan except Tokyo and surrounding prefectures (Chiba, Kanagawa, and Saitama), Aichi (including Nagoya City), and greater Osaka (Hyogo, Kyoto, and Osaka).
- 14.Japan, World Bank, [worldbank.org/country/japan](http://worldbank.org/country/japan).
- 15.Source: OECD Tourism Statistics (Database). StatLink  
<http://dx.doi.org/10.1787/888934077217>